

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилоят

ҲОКИМИ



ҲОКИМ

Самарқандской области
Республики Узбекистан

82

ҚАРОР—ПОСТАНОВЛЕНИЕ

йил, 9 « Июль »

№ I43-К

Самарқанд вилоят бош ўрмон хўжалиги бирлашмасига қарашли Чўпон-ота массивидаги ерни Самарқанд туманига қишлоқ хўжалигига фойдаланиши учун ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Ер тўғрисида”ги Қонунининг 12 моддасига асосан, ҳамда Чўпон-ота массивидаги қишлоқ хўжалигига фойдаланмайдиган ерларни ўзлаштириб, боф яратиш ва қишлоқ хўжалигига фойдаланиш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Чўпон-ота массивидаги жами 259 гектар ер шундан: Самарқанд вилоят бош ўрмон хўжалигини қишлоқ хўжалигига фойдаланмайдиган ер майдони 193 гектар ва 66 гектар давлат захира ери Самарқанд туманига қишлоқ хўжалигига фойдаланиши учун ажратиб берилсин (Самарқанд вилоят бош ўрмон хўжалиги бирлашмасининг 1996 йил 26 июндаги 84 ракамли розилик хати).

2. Самарқанд вилоят сув хўжалиги бирлашмаси (З.Жўрабеков) га Чўпон-ота массивини сув билан таъминлаш ва сув тармоқларини қуриш топширилсин.

3. Ушбу қарорни бажарилишини таъминлаш вилоят ҳокимининг ўринбосари И.Усмоновга топширилсин.

Вилоят ҳокими



А.МАРДИЕВ